

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06.01.2018. Tar.56.01. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧОРИЕВ ШЕРЗОДЖОН ШОКИРЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ
ЖАМҒАРМАЛАРИ – ТУРКИСТОН АССРДАГИ ИҚТИСОДИЙ
ЖАРАЁНЛАРНИ ЁРИТУВЧИ МАНБА СИФАТИДА**

07.00.08 —Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy(PhD) dissertation

Чориев Шерзоджон Шокиржонович

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви жамғармалари –
Туркистон АССРдаги иқтисодий жараёнларни ёритувчи манба сифатида ...3

Чориев Шерзоджон Шокиржонович

Фонды Центрального Государственного архива Республики Узбекистан –
как источник по истории экономических процессов
в Туркестанской АССР 23

Choriev Sherzodjon Shokirjonovich

The funds of Central State Archive of the Republic of Uzbekistan – as source
on the history of economic processes in Turkestan ASSR.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06.01.2018. Tar.56.01. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧОРИЕВ ШЕРЗОДЖОН ШОКИРЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ
ЖАМҒАРМАЛАРИ – ТУРКИСТОН АССРДАГИ ИҚТИСОДИЙ
ЖАРАЁНЛАРНИ ЁРИТУВЧИ МАНБА СИФАТИДА**

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Tar78 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (uzhistory.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маҳкамова Нодира Раҳмановна
тарих фанлари доктори

Асадова Шоира Иноятовна
тарих фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 06.01.2018. Tar.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил 2 ноябрь куни соат 10:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй, Тарих институти. 2-қават Мажлислар зали.) Тел: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91) **e-mail: info@uzhistory.uz** Тарих институти)

Диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (16-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (99871) 262-34-41)

Диссертация автореферати 2018 йил «20» октябрь куни тарқатилди.
(2018 йил «20» октябрдаги 11- рақамли реестр баённомаси билан)



А. С. Сагдуллаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
тарих фанлари доктори,
профессор, академик

М.Х. Пайзиева
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
тарих фанлари номзоди

С.С.Агзамходжаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
тарих фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида тарих соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар архив ҳужжатлари асосида тадқиқ этилмоқда. Минтақавий архивларда сақланаётган ҳужжатларни ўрганиш ва уларнинг манбавий аҳамиятини баҳолаш, архив меросларини сақлаш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида Францияда Халқаро архивлар Кенгаши мунтазам фаолият кўрсатмоқда. XX аср бошларида юз берган жаҳон иқтисодий инқирози оқибатида вужудга келган иқтисодий муаммоларни бартараф этишга қаратилган иқтисодий-сиёсий жараёнларни манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон ва миллий даражада иқтисодий жараёнлар таҳлили, ривожланиш тенденциялари ва истиқбол йўналишлари, айниқса, тарихий давр нуқтаи назаридан иқтисодий жараёнларни тарихшунослик ва манбашунослик борасидаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада архив ҳужжатлари муҳим манба сифатида хизмат қилиб, собиқ совет ҳокимиятининг фаолияти билан боғлиқ, айниқса, илгари “махфийлик” тамғаси остида сақланган архив ҳужжатларини тадқиқ этиш орқали совет тузумининг асл моҳиятини англаб етиш, ўша даврдаги зиддиятли жараёнларни ҳолисона баҳолашга устувор тадқиқотлар сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда тарих фанини ривожлантиришда архившунослик, архив манбашунослиги, манбашунослик соҳаларини такомиллаштириш ишларига эътибор кучайтирилиб, бу борада ҳужжатларнинг тарихий манбавий аҳамиятини ошириш, тарихий ҳужжатларнинг рақамли нусхаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида белгиланган «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ вазифаси архив фаолиятига янги технологияларни татбиқ этиш, Ўзбекистон тарихини ўрганишда бирламчи архив манбаларига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонуни (2010), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги (1999 йил 30 октябрдаги 482-сон), «Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2008 йил 26 августдаги 194-сон),

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1 иловасида келтирилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. <http://strategy.regulation.gov.uz>

«Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги (2012 йил 5 апрелдаги 101-сон), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 24 майдаги) қарорлари муҳим роль ўйнамоқда.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мавзунинг архив манбашунослигига оид тадқиқотлари даврий ҳамда концептуал-назарий жиҳатдан икки (совет даври ва мустақиллик йиллари)га бўлинади. Совет даврида Туркистон АССР тарихига оид расмий ҳужжатларни архив манбашунослиги нуқтаи назаридан таҳлил этган илк тадқиқот А.А.Умаралиевнинг Афғонистон билан муносабатлар мавзусига бағишланган номзодлик иши эди². Партия тарихига доир кинофотоархиви Ф.М.Шамаева, Иккинчи Жаҳон уруши даврига оид аудиовизуал манбалар В.Н.Мандральская томонидан тадқиқ этилган³. Расмий ҳужжат турларининг манбавий аҳамиятини ўрганишда И.С.Смирнов⁴, М.А.Варшавчик⁵, А.Г.Шпинов⁶, М.Н.Черноморский⁷, Р.С.Минухина⁸, М.С.Селезнёвлар⁹ тадқиқотлари ўз даврида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мустақиллик даврида архив иши тарихи ва манбашунослиги муаммоларини ўрганиш бўйича илк тадқиқотлар юзага келди. Хусусан, Г.С.Тилеукулов Ўзбекистонда 1918–1990 йиллардаги архив иши тарихини¹⁰, Қ.Ражабов Ўзбекистонда XX асрнинг 20–30-йилларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни¹¹, Д.Алимова раҳбарлигида бажарилган илмий монографияда

² Умаралиев А.А. Материалы Центрального Государственного архива Узбекской ССР (ЦГА УзССР) как источник по истории Афганистана и русско-афганских отношений (конец XIX – начало XX вв.): Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1966. – 166 с.

³ Шамаева Ф.М. Кинофотодокументы как источники истории КПСС (на материалах Узбекистана 1917–1937 гг.): Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ТашГУ. 1975. – 162 с; Мандральская Н.В. Аудиовизуальные источники историко-партийной науки и их использование в изучении деятельности партии: на материалах Узбекистана периода Великой Отечественной войны 1941–1945 гг.: Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ТашГУ. 1981. – 328 с.

⁴ Смирнов И.С. Об источниковедении истории КПСС. – М.: Высшая школа, 1956. – 160 с.

⁵ Варшавчик М.А. Историко-партийное источниковедение: Теория. Методология. Методика. – Киев: Вища школа, 1984. – 319 с.

⁶ Шпинов А.Г. О предмете источниковедении КПСС. – М.: Высшая школа, 1958. – 210 с.

⁷ Черноморский М.Н. Источниковедение истории СССР. Советский период. – М.: Высшая школа, 1966. – 286 с.

⁸ Минухина Р.С. Источниковедение истории советского общества. – М., 1964. – 302 с.

⁹ Селезнёв М.С. Теория и методика советской археографии. – М., 1974. – 206 с.

¹⁰ Тилеукулов Г.С. Архивное дело в Узбекистане (1918–1980 гг.). Опыт и проблемы: Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1995. – 165 с.

¹¹ Политические и социальные процессы в Узбекистане в 20–30-е годы XX века (На примере архивных документов и других материалов). – Тошкент: Navro‘z, 2014. – 292 с.

архив манбаларида таълим тизими тарихини¹², М.С.Исакова Ўзбекистон Республикаси Кино-фото-фоно ҳужжатлари Марказий Давлат архивининг совет даври тарихини, XIX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистонда архив ишининг ривожланиш тарихини¹³ тадқиқ этдилар. Уларда архив манбашунослиги масалалари кино, суратли ва овозли ҳужжатлар архиви ҳамда архив тарихи ва архив ҳужжатларида тарихий маълумотларнинг акс этиши мисолида тадқиқотлар олиб борилди. Аммо ЎзР МДАда сақланаётган тарихий ҳужжатлар ҳозиргача манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилмади.

Хорижий тарихчи олимлар асарларида асосий урғу Туркистон АССРдаги сиёсий-иқтисодий аҳволга қаратилиб, улар масалага манбашунослик нуқтаи назаридан ёндашмаганлар¹⁴. Ўзбекистонда архив манбашунослигини ривожлантириш муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий семинарларида ҳам эътироф этилганидек¹⁵, бу йўналишлар республикада ҳануз оқсамокда. Шу жумладан, ЎзР МДАда сақланаётган Туркистон АССР тарихига оид архив ҳужжатлари ҳам ҳозирги кунга қадар тарихий манбашунослик нуқтаи назардан махсус ва яхлит равишда тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Манбашунослик ва архившунослик” кафедраси томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистонда тарихшунослик ва манбашунослик муаммолари” номли илмий иш режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ЎзР МДАда сақланаётган Туркистон АССРдаги қишлоқ хўжалиги, молия, савдо, саноат соҳаларига тегишли архив жамғармалари ҳамда ҳужжатларни тизимлаштириш ва манбавий аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари:

ЎзР МДАда сақланаётган Туркистон АССР тарихига оид жамғармаларни ўрганиб, уларни мазмуни ҳамда даврий жиҳатдан классификация қилиш;

¹² История образования в архивных источниках. (Отв. ред. Д. Алимова). Том I. 1865–1917. Ташкент: Yangi nashr, 2015. – 202 с; История образования в архивных источниках. Том II. 1917–1991. (Отв. ред. Д. Алимова). Ташкент: Yangi nashr, 2015. – 490 с.

¹³ Исакова М.С. XIX аср охири XXI аср бошларида Ўзбекистонда архив ишининг шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент: Университет, 2017. – 279 б.

¹⁴ Alexandr G. Park. Bolshevism in Turkestan 1917–1927 / Columbia University Press. – New York, 1957. – 220 p, Pipes Richard. The formation of the Soviet Union: Communism and Nationalism, 1917–1923 / Cambridge, Mass. Harvard University Press. 1957. – 392 p; Geofree Wheeler. The modern history of Soviet Central Asia. – London: Weidenfeld and Nicolson, 1964. – 272 p.

¹⁵ Тарихий манбашунослик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2008; Тарих фани ва архив иши: интеграция муаммолари Академик Я.Ф. Гуломов номидаги “Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи” Республика илмий семинари материаллари тўплами. – Тошкент: Фан, 2010; Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Тошкент: ЎзРФА Тарих институти, 2010.

Туркистондаги аграр сиёсат, унинг сабаб ва оқибатларини қишлоқ хўжалиги бошқармалари материаллари асосида ҳар бир соҳа (чорвачилик, йилқичилик, ипакчилик, пахтачилик, боғдорчилик) мисолида ёритиб бериш;

ички ва ташқи савдо алоқалари, хусусий савдо, давлат кооперациялари, савдо соҳасида олиб борилган давлат сиёсати, экспорт, импорт масалаларига оид архив ҳужжатларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

ўлкада саноат ишлаб чиқариши, ёқилғи ва енгил саноат корхоналари фаолияти, молиявий аҳвол ҳамда пул ислохотлари билан боғлиқ архив манбаларини аниқлаш ва улар асосида ушбу соҳалардаги ўзгаришлар, уларга таъсир қилган омилларни аниқлаш;

совет ҳокимиятининг 1918–1924 йилларда олиб борилган иқтисодий сиёсатининг асосий босқичлари – “ҳарбий коммунизм”, “озик-овқат развёрсткаси”, “национализация”, НЭП (“янги иқтисодий сиёсат”)нинг мамлакат иқтисодиётига таъсири ҳамда оқибатларини ёритувчи архив манбаларини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объектини ЎзР МДАнинг Туркистон АССРга тегишли иқтисодий соҳага оид маълумот берувчи жамғармалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ЎзР МДАнинг 1918–1924 йилларга доир жамғармаларидаги қишлоқ хўжалиги, молия, савдо, саноат соҳаларига доир тарихий ҳужжатлар, статистик материаллар, расмий ҳисоботлар, жадвал, микрофильмлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда манбаларни ички ва ташқи жиҳатдан таҳлил этиш, тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, муаммовий-даврий ёндашиш, палеография таҳлили усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

хусусий мулкни оммавий равишда давлат тасарруфига ўтказилиши натижасида озик-овқат тақчиллиги юзага келганлиги ва қишлоқ хўжалигида чорвачилик, ипакчилик, йилқичилик кўрсаткичларининг кескин пасайиб кетганлиги аниқланган;

ирригация тизимида тегишли даражада эътибор қаратилмаганлиги ва етарли маблағ ажратилмагани сабабли суғориладиган ер майдонлари кескин камайиб кетганлиги аниқланган;

ишлаб чиқариш воситаларининг эскирганлиги, саноат соҳасида давлат монополиясининг ўрнатилиши бу соҳани ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлганлиги кўрсатиб берилган;

Туркистоннинг умумфедерал валюта ва бюджет тизимида киритилиши ўлка иқтисодининг марказга қарам бўлиб, бюджет маблағларининг, аввало, марказ манфаатлари учун сарфланганлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ЎзР МДАда жамғармалари мониторинги асосида Туркистон АССРдаги иқтисодий инфраструктуралар иқтисодиётнинг аниқ йўналишлари бўйича архив жамғармалари асосида туркумлаштирилди;

архив жамғармаларида сақланаётган тарихий ҳужжатларнинг 40 дан ортиқ турлари аниқланиб, уларнинг ташқи ва ички манбавий хусусиятлари очиб берилди;

архив жамғармалари йиғмажилдлардаги ҳужжатлар ҳолатини ўрганиш натижасида уларнинг 30%и қайта таъмирлаш ишларига муҳтожлиги аниқланди;

архив ҳужжатлари генеалогия, топономика, метрология, дипломатика, тарихий географияга оид маълумотларга бой бўлиб, ўрганилаётган давр бўйича янги тадқиқотлар учун манба бўлиб хизмат қилиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ЎзР МДАда сақланаётган Туркистон АССР тарихига оид 90 дан ортиқ архив жамғармаларида сақланиб қолган 50 000 га яқин архив материаллари, халқ хўжалиги соҳасига оид ҳисобот тўпламлари, расмий маъруза, ҳисоботлар каби муҳим тарихий ҳужжатлар бирламчи манба сифатида хизмат қилганлиги, улар бошқа манбалар билан қиёсий таҳлил этилганлиги, диссертация натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги ва ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ватан тарихшунослигида илк бор Ўзбекистон тарихининг энг мураккаб ва зиддиятли даври бўлган Туркистон АССРдаги иқтисодий жараёнлар тарихига оид ЎзР МДА жамғармалари архив манбашунослиги нуқтаи назаридан ёритиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот жараёнида Туркистон АССР тарихига оид геральдика, архив эвристикасига оид қимматли маълумотлар аниқланди.

Шунингдек, тадқиқот натижалари ЎзР МДАда Туркистон АССР жамғармалари бўйича йўлқўрсаткич тайёрлашга асос бўлди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви жамғармалари – Туркистон АССРдаги иқтисодий жараёнларни ёритувчи манба сифатидаги тадқиқоти давомида олинган илмий натижалар асосида:

Туркистон АССРда давлат ташкилотларининг архив жамғармалари таҳлили юзасидан олинган натижалар “Архившунослик” дарслигида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги гувоҳномаси. Рўйхатга олиш рақами: 434-147). Ушбу дарслик олий ўқув юрти талабаларини архившунослик соҳасида билим ва кўникмаларни янада оширишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг архив жамғармаларидаги маълумотлар асосида Туркистонда Муваққат ҳукуматнинг ташкил этилиши, Туркистон АССРда давлат бошқарув тизими, олий органлар фаолияти ва уларнинг вазифалари каби масалалар юзасидан олинган натижалар “Ўзбекистоннинг давлат муассасалари тарихи” дарслигида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги гувоҳномаси. Рўйхатга олиш

рақами: 434-148). Ушбу дарслик олий ўқув юрти талабаларини давлатчилик тарихига оид билим ва кўникмаларини янада оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари юзасидан 8 та, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 2 та дарслик, (муаллифлар жамоаси), Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та республика миқёсидаги журналларда ва 1 та хорижда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, урта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқот мақсади, вазифалари ҳамда ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Шу қаторда тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Бундан ташқари тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Туркистон АССР иқтисодиётига оид архив жамғармалари таснифи”** деб номланиб, унда ЎзР МДА да сақланаётган Туркистон АССРдаги иқтисодий жараёнларга оид жамғармалар таснифи ва улар таркибидаги ҳужжатларнинг манбавий тавсифи берилади. Унинг *“Иқтисодиёт билан боғлиқ ташиқлотлар функциялари ва уларнинг архив жамғармалари”* деб номланган биринчи параграфида Туркистон АССРдаги иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ давлат органларининг архив жамғармалари манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилади.

ЎзР МДА жамғармаларида Туркистон АССРнинг 1917–1924 йиллардаги сиёсий, иқтисодий, маданий аҳвол ва жараёнларига оид муҳим маълумотлар жамланган бўлиб, уларни даврий жиҳатдан икки гуруҳга туркумлаш мумкин:

1) 1917 йил февраль – октябрь оралиғида фаолият юритган Туркистон Муваққат ҳукуматининг бошқарув органлари жамғармалари.

2) 1917 йил октябрь ойидан 1924 йилгача бўлган ТАССР бошқарув органлари жамғармалари.

Биринчи гуруҳга кирувчи ҳужжатлар асосан иккита фондда Муваққат ҳукуматнинг Туркистон кўмитаси (И-1044-жамғармаси), Туркистон ўлка

ишчи, аскар ва депутатлар кенгаши (И-1613) фондларида жамланган. Иккинчи гуруҳ архив фондлари эса давр ва ҳажм жиҳатдан нисбатан катта бўлиб, 1917 октябрь–1924 йилларни қамраб олади.

Ушбу жамғармаларда жамланган ҳужжатларни мазмуни жиҳатдан қуйидаги туркумларга бўлиш мумкин:

- 1) давлат бошқарув ва ижро органлари жамғармалари;
- 2) иқтисодий аҳволни ёритувчи жамғармалар;
- 3) маданий, маънавий, ижтимоий ҳаёт акс этган жамғармалар;
- 4) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жамғармалари;
- 5) турли масалалар бўйича маълумотлар берувчи жамғармалар.

Ўз навбатида, иқтисодий аҳволни ёритувчи жамғармаларни иқтисодиётнинг муҳим йўналишлари – қишлоқ хўжалиги, халқ хўжалиги ва молия, савдо ва саноат масалаларини ёритувчи жамғармаларга ажратиш мумкин. Мазкур жамғармалар ҳам, ўз навбатида, бир неча гуруҳларга бўлинади. Масалан, қишлоқ хўжалигидаги аҳволни ёритувчи жамғармалар Деҳқончилик халқ комиссарлиги, Ўрмончилик бошқармаси, Сув хўжалиги бошқармаси, Йилқичилик бошқармаси каби жамғармаларга бўлинади.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи “*Ҳужжатлар таснифи, турлари ва ҳолати*” деб номланиб, унда архив ҳужжатлари манбашунослик нуқтаи назаридан ва палеографик таҳлил этилган. ЎзР МДАдаги Туркистон АССР тарихига тегишли жамғармалардаги ҳужжатлар шаклан: қоғоз, микрофильмлаштирилган ва рақамли ҳужжатларга бўлинади. Қоғоз ҳужжатлардаги маълумотларнинг кўпгина қисми рус тилида қайд этилган, айрим ҳужжатларнинг бир томонида рус тилида, бир томонида араб алифбосидаги ўзбек тилида битилган.

ТАССР жамғармалари ҳужжатлар турларига жуда бой бўлиб, улар таркибида декретлар, қонунлар, фармойишлар, циркулярлар, резолюция, буйруқлар, қарорлар, гувоҳнома, йўриқнома, кўрсатма, инструкция, дастурлар, низом, шартнома, смета-ҳисобот, баённома, далолатнома, оператив маълумотлар, ахборот бюллетенлари, статистик маълумотлар, мажлис баённомалари, мажлис журналлари, умуман олганда, 40 ортик ҳужжат турлари мавжуд.

Туркистон АССР жамғармаларидаги 1918–1919 йилларда олий ва ижро органларининг йиллик ҳисоботларида 1-3 йиллик, НЭП сиёсати бошланган 1922 йиллардаги ҳисобот ҳужжатларида 5-10 йил, ҳатто 20 йил олдинги маълумотлар билан қиёсий таҳлил этилган статистик, картографик, диаграмма ҳисоботларни учратиш мумкин.

Палеография нуқтаи назаридан олиб борилган таҳлилларнинг кўрсатишича, жамғармалар таркибидаги ҳужжатларнинг кўпчилик қисми босма машинкада ёзилган. Архив ҳужжатларини қайд этишда тўқ кулранг, кўк, бинафша, қора ранглардан фойдаланилган. Босма машинкасида қайд этилган архив ҳужжатларнинг бинафша рангда ёзилган матнларни хиралашиб кўримсиз ҳолга келганини, қора рангдаги матнларни эса яхши сақланганини кўриш мумкин. Босма машинкасида ёзилган матнлардаги катта ҳарфлар 0,3 см, кичкина ҳарфлар 0,2 см ўлчовига тенг (ҳозирги компьютер

технологиясидаги Microsoft Word дастурининг 14 кеглли шрифтига тўғри келади).

1964 йилдан ЎзР МДАда архив ҳужжатларнинг микрофильмлаштириш ишлари амалга оширила бошлаган¹⁶. Микрофильмлаштирилган ҳужжатлар қоғозли ҳужжатларнинг суғурта нусхаси сифатида сақланган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Архив жамғармаларида иқтисодий жараёнларни акс эттирувчи манбалар**” деб номланган. Унинг “*Архив манбаларида 1918–1920 йиллардаги озиқ-овқат муаммолари талқини*” деб номланган биринчи параграфиди иқтисодий бошқариш чора-тадбирларини ҳам амалга оширган ҳукумат органлари – Туркистон МИК, ХКС, ТИК ва Озиқ-овқат комиссарлиги архив жамғармалари манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Уларнинг таркиби қуйидагилардан иборат:

1. ТАССР МИК Р-17-жамғармасининг 4-, 20-, 21-, 30–32-, 43-, 45-, 47-, 58-, 69-, 70-, 88-, 90-йиғмажилдлари;

2. Туркистон АССР ХКС 25-жамғарманинг 5-, 65-, 797-, 106–112-, 352–358-, 1008–1019-, 1405–1412-, 1837–1842-йиғмажилдлари;

3. ТИК (Р-18) жамғармасининг 152-йиғмажилди;

4. Туркистон Озиқ-овқат комиссарлиги Р-31-жамғармасининг 3–49-, 182-, 193-, 211-, 229-, 299-, 387-, 396-йиғмажилдларида Туркистонда озиқ-овқат директорияси ҳақида, 64-, 75–102-, 123-, 125-, 126-, 127-, 131-, 141-, 288-йиғмажилдларида ўлкада озиқ-овқат монополиясининг ўрнатилишига оид алоҳида қимматли маълумотлар сақланган.

Шунингдек, архивдаги яна бир муҳим манба – Каспийорти вилояти озиқ-овқат комиссари А.Левитаснинг очарчилик муаммоларига бағишланган қўлланмасини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Қўлланманинг манбавий таҳлиliga кўра, у рус тилида ва араб алифбосидаги ўзбек тилида ёзилиб, 1921 йилда 5150 нусхада чоп этилган ва аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб боришда фойдаланилган¹⁷.

ТАССР озиқ-овқат комиссарлиги ҳисобот ҳужжатларида хусусий мулкларни зўрлик билан тортиб олиниши натижасида ўлкадаги иқтисодий аҳволни янада издан чиқарганлиги, ерлар, боғлар, кичик корхоналар қаровсиз қолганлиги, меҳнат инвентарлари бузилиб кетганлиги ҳақидаги маълумотлар жамланган.

Ҳужжатларда Туркистон очарчилик комиссияси томонидан 1919 йилда 130 тагача озиқ-овқат тарқатувчи пунктларда умумий аҳолининг (5 668 416 киши) 1/5 қисми (922 000 киши) рўйхатга олинганлиги¹⁸, совет ҳокимияти дон ва озиқ-овқат маҳсулотларига ўз монополиясини ўрнатгач, аскарлар ва озиқ-овқат отрядлари деҳқонларнинг уруғликка олиб қўйилган буғдой захираси, ем-хашак, от ва молларни тортиб олганлиги ҳақида маълумотлар сақланган¹⁹.

Архив фондларида сақланиб қолган расмий ҳисоботларда озиқ-овқат развёрсткаси масалаларига оид кўплаб фактлар қайд этилган. 1920 йил декабрь ҳолатига кўра, буғдой развёрсткаси 15% га, гўшт солиғи 18% га, ўт, ем-хашакларни топшириш 24% га бажарилганлиги, развёрстка сиёсати Самарқанд

¹⁶ www.archive.uz/. Новости архивов Узбекистана, 21.10.2010.

¹⁷ ЎзР МДА, Р-31-жамғарма, 1-рўйхат, 288-йиғмажилд, 84-варақ.

¹⁸ ЎзР МДА, Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 35-йиғмажилд, 85-варақ.

¹⁹ ЎзР МДА, Р-31-жамғарма, 1-рўйхат, 103-йиғмажилд, 24-варақ.

ва Еттисув вилоятларида бошқа вилоятларга нисбатан жадал олиб борилганлиги, Каспийорти вилоятида нон развёрсткаси 62% га, гўшт “развёрстка”си эса 38% га бажарилганлиги, Фарғона ва Еттисув вилоятларида бу жараён суст борганлиги ҳақида маълумотлар ўрин олган²⁰.

Архив жамғармаларида сақланган ҳисобот, маъруза ҳужжатларидаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 1920–1921 хўжалик йилида аҳолидан 6 358 144 пуд ем-хашак, 1 606 210 пуд гўшт ва бошқа маҳсулотлар зўрлик билан тортиб олинган. Архивда ўша даврдаги демографик ҳолат ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайди. Шу ўринда, ўлкада Биринчи Жаҳон урушидан олдин қайд этилган 8,5 млн. аҳолидан 1920 йилга келиб 5 184 000 аҳоли қолганлиги қанчалик тўғри эканлиги муҳокама қилинган ҳужжатлари айниқса эътиборга лойиқ.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи “*«Янги иқтисодий сиёсат»га оид таҳлилий материаллар*” деб номланади. Ушбу масалаларга оид маълумотлар Р-17-жамғарманинг 1-рўйхатидаги 43-, 53-, 88-, 89-, 92-, 93-, 294-, 295-, 306-, 309-, 321-, 334-, 335-, 349-, 350-йиғмажилдларидаги Халқ комиссарлари ҳисоботларида ўз аксини топган. Туркистон МИК қарорлари ва бошқа ҳужжатларда 1921 йилда Янги иқтисодий сиёсат (НЭП)ни амалга оширишга қаратилган ва унинг ижроси юзасидан қилинган ишлар ҳақидаги маълумотлар бу жараённи ўрганишда муҳим манба ҳисобланади²¹. Бу масалалар ЎзР МДАнинг Р-17-жамғармасида (1-рўйхат, 75-, 105-), Р-18-жамғармасида (29-, 151-)²², Р-25-жамғармасида (782-, 816-) ҳамда Дехқончилик комиссарлиги жамғармасида 2829-йиғмажилд ҳужжатларида батафсил ёритилган.

Р-25-жамғармасида сақланган ҳисоботларда таъкидланишича, НЭП ислохотлари жараёнида таълим муассаларида керакли жиҳозлар, соғлиқни сақлаш соҳасида эса тиббий воситалар ва зарур озик-овқат маҳсулотларнинг етишмаслиги сабабли соҳаларда аҳвол оғирлашган²³. Шу боис бу даврда национализация қилинган ерлар, боғлар, тегирмонлар, корхоналар эгаларига қайтариб берилган. Масалан, Фарғона, Андижон вилоятларида тери заводи, Кўкон тикув цехи, Конибодомда кулолчилик ва Еттисувда эса 13 та корхона 2 йилдан 5 йилгача ижарага берилган²⁴.

Р-17-жамғармада Давлат бюджети смета ҳужжатлари ҳам сақланган. Уларнинг таҳлилидан маълум бўлишича, НЭП туфайли Адлия, Ички ишлар, Дехқончилик, Таълим, Ижтимоий таъминот комиссарликларини ойлик маошлари билан таъминлаш жуда оғир аҳволда қолган, кунлик харажатлар тез суръатларда ошиб борган, натижада, давлат аппаратида 95 135 та ходимдан 1923 йил охирида 16 385 та ходим қолган (85 % га қисқарган)²⁵.

Ҳужжатларда маълумот берилишича, национализация сиёсати даврида жуда камайиб кетган хусусий савдо ва саноат корхоналари сони НЭП даврига келиб (17000 тадан) 36000 тага етган²⁶.

²⁰ ЎзР МДА, Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 280-йиғмажилд, 39-варақ.

²¹ ЎзР МДА, Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 8-, 10-, 15-, 46-, 47-, 48-, 51-, 53-йиғмажилдлари.

²² ЎзР МДА, Р-18-жамғарма, 2-рўйхат, 29-йиғмажилд. ЎзР МДА., Р-18-жамғарма, 1-рўйхат, 151-йиғмажилд.

²³ ЎзР МДА, Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 782-йиғмажилд, 134-варақ.

²⁴ Ўша ерда, 782-йиғмажилд, 135-варақ.

²⁵ ЎзР МДА, Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 75-йиғмажилд, 74-76-варақлар.

²⁶ Ўша ерда, 105-йиғмажилд, 482-варақ.

Архив ҳужжатлари НЭПнинг охиригача олиб борилмаганлигидан далолат беради. Маълумотларга кўра, катта миқдордаги кредитлар берилмаган, пул маблағлари етишмаган, маҳсулотлар бозорларга етказилиши учун транспорт воситаси билан таъминланмаган, давлат трестларини тиклаш дастури амалга оширилмаган, саноат соҳаси жиҳозлари янгиланмаган. Буларнинг барчаси НЭП дастурини амалга ошириш режаларига салбий таъсир ўтказган²⁷.

Ушбу бобнинг “*Ирригация тизимини тиклаш бўйича декретлар, қарорлар ва ҳисоботлар таҳлили*” деб номланган параграфида ўлкадаги сув хўжалиги тизимида олиб борилган ислоҳотларга оид маълумотлар жамланган ҳисобот ҳужжатлари таҳлил этилади.

ЎзР МДАнинг ТАССР МИҚ (Р-17), ХКС (Р-25), ХДК (Р-29), Сув бошқармасининг 215-жамғармаларида сув хўжалиги муаммоларга оид жуда кўп тарихий фактлар, диаграммалар, хариталар, географик маълумотлар, ТАССР суғориш тизими ислоҳотлари тарихига тегишли муҳим ҳужжатлар жамланган. Жумладан, Туркистон МИҚ жамғармаси, 1-рўйхатидаги 109-, 260-, 399-, 410-, 541-, 617-, 844-, 853-, 869-, 871-йиғмажилдлар, ХКС Р-25-жамғармада 1051-, 1438-, Р-215-жамғарма 1-рўйхатидаги 48-, 181-йиғмажилдлар айнан сув хўжалиги масалаларига бағишланган.

Сув бошқармасининг Р-215 жамғармасида юқори ташкилотлардан келган декрет, буйрук, фармойиш ва шахсий йиғмажилдлар кўп миқдорни ташкил этади. Шунингдек, Сув хўжалиги бошқармасининг жамғармасида ҳисоботлар, лойиҳа ҳужжатлари ҳам сақланган. Бошқарманинг юқори ташкилотларга берган маъруза ва ҳисобот ҳужжатларида маълумотлар кенгроқ акс этган.

Жамғармаларда маълум бир соҳага оид комплекс маълумотлар тўпланган тарихий очерклар ҳам сақланган. Хусусан, Туркистон Деҳқончилик комиссарлигининг Р-29-жамғарма, 3-рўйхат, 2448-йиғмажилдида 1922 йилда нашр этилган “Ўлкада ирригациянинг ривожланиши ва аҳволи” номли тарихий очерк сақланиб қолган²⁸. Ушбу манбанинг яна бир нусхаси архивнинг ТурМИҚ Р-17-жамғармаси, 844-йиғмажилдида аниқланган, у биринчисига нисбатан тўлиқ ва аниқлиги билан ажралиб туради²⁹.

Ҳужжатларда қайд этилишича, 1917 йил Октябрь тўнтариши воқеаларидан сўнг Туркистонда сув хўжалиги тизими оғир аҳволга келиб қолган, сув хўжалиги иншоотларини тиклаш катта ишчи кучини талаб қилган. Биринчи Жаҳон уруши йилларида суғориладиган ерлар ҳажми 2 400 000 десятина (2 619 360 гектар)³⁰ бўлган бўлса, 1920 йилга келиб, 1 400 000 десятина (1 527 960 гектар) қолган, яъни 53% га қисқарган³¹.

Юқорида таъкидланган тарихий очеркда маълумот берилишича, 1920 йил Зарафшон, Сирдарё ва бошқа дарёларда тошқин натижасида 547,7 минг гектар (500 минг десятина) ерни сув босган³², 1923 йилда Тажан, Мурғоб дарёси

²⁷ ЎзР МДА, Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 816-йиғмажилд, 262–267-варақлар.

²⁸ «Исторический очерк о состоянии и развитии ирригации в крае». ЎзР МДА 29-жамғарма, 3-рўйхат, 2448-йиғмажилд.

²⁹ ЎзР МДА, Р-17-жамғармаси, 1-рўйхат, 844-йиғмажилд. «Обзор Главного управления Водного Хозяйство при Народном Комиссариате Земледелия Туркестанской Республики по истории развития и современного состоянии ирригации в Туркестанской Республики».

³⁰ Ўша пайтда ер майдони десятина бирлигида ўлчанган, 1 десятина – 1,0914 гектарга тенг бўлган.

³¹ ЎзР МДА, Р-29-жамғарма, 3- рўйхат, 2448-йиғмажилд, 42-варақ.

³² Ўша ерда, 617-йиғмажилд, 122- варақ.

тошқини сабабли Зарафшон сув тизимидаги 100 000 десятина ер камайган, Фарғона вилоятининг Шаҳрихон, Андижондаги 150 000 десятинагача ер майдонига ишлов берилмай қолганлиги қайд этилган³³.

Жамғармаларда республика сув хўжалигини ривожлантиришдаги муаммолар ечими ҳақидаги таҳлилий ҳужжатлар ҳам бор. Уларда қайд этилишча, 1921–1923 йиллар мобайнида РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Туркистонга 30 та сув хўжалик округлари³⁴ фаолиятига оид смета ҳужжатлари³⁵, натурал мажбурият ёрдамида республика бўйича 2 379 866 ишчи кучи билан 27 446 58 км узунликдаги ариқлар яроқли ҳолатга келтирилганлиги ҳақида маълумотлар сақланган³⁶.

ЎзР МДАдаги Р-17-жамғарманинг 853-, 869-, Р-25-жамғармасининг 541-, 1051, 1438-йиғмажилдларида халқаро сув муаммоларига оид ҳисобот, шартнома, ҳисобот маъруза ҳужжатлари сақланган. Уларда Амударё, Сирдарё, Мурғоб дарёларидан фойдаланиш билан боғлиқ маълумотлар ўрин олган³⁷.

Мазкур бобнинг *“Дехқончилик комиссарлиги жамғармасида қишлоқ хўжалиги соҳасига оид манбалар”* деб номланган тўртинчи параграфда ўлканинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги аҳвол ҳақида маълумот берувчи расмий ҳужжатлар таҳлил этилган.

ЎзР МДАда ўша даврда фаолият олиб борган йилқичилик, сув хўжалиги, ўрмончилик бўлимларининг архив жамғармалари сақланган. Хусусан, Дехқончилик комиссарлигининг 29-жамғармасида буйруқлар, кўрсатмалар ва ҳайъат мажлиси баённомалари, низомлар, вилоят, уезд ер-сув бўлимлари режалари ва ҳисоботлари жамланган.

Шунингдек, Р-29-жамғармасида Туркистонда ер ислоҳоти ўтказиш бўйича маъруза, фармойишлар, ўлка ер кўмитаси мажлислари баённомалари, ер ислоҳоти ўтказиш бўлимларининг фармойишлари, ТАССР Кенгаши Х съездида ерларни ўзлаштириш ишлари ҳақидаги маърузалар жамланган. Р-29-жамғарманинг 1-рўйхатидаги жами 81 та йиғмажилд микрофильмлаштирилган³⁸.

Жамғармаларда боғ ва узумзорларнинг мусодара қилинишига оид қимматли маълумотлар жамланган бўлиб, ушбу масалаларни ёритишда архивдаги ДХК (Р-29) жамғармасининг 3-рўйхатида сақланаётган 1313-, 1168-, 1087-, 1804-, 1791-, 1397-йиғмажилдлар алоҳида аҳамиятга эга.

Манбаларда ўлкадаги экин майдонлари аҳволига оид таҳлилий маълумотлар ҳам учрайди, Чунончи Р-17-жамғарманинг 1-рўйхат, 114-йиғмажилдидаги *“Пахтачилик кўмитасининг Туркистон АССР XII съездида қисқача маъруза материали”*, 109-йиғмажилдида сақланаётган *“Туркистон Дехқончилик халқ комиссарининг XII съездидаги маърузаси”* ҳужжатлари ва 105-, 114-, 488-, 25-жамғарма, 1-рўйхат, 541-, 1201-, 29-жамғарманинг 2355-

³³ ЎзР МДА, Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 871-йиғмажилд, 26-варақ.

³⁴ Ўша ерда, 260-йиғмажилд, 105-варақ.

³⁵ Карп М. Б. Опыт обследования натуральной повинности в Туркестанской АССР. – Ташкент: Турк Экономсовет, 1925. – С. 8–12.

³⁶ ЎзР МДА, Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 844-йиғмажилд, 175–177-варақлар.

³⁷ Ўша ерда, 853-йиғмажилд, 54–58-варақлар, яна қаранг: Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 869-йиғмажилд, 2-варақ; Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 541-йиғмажилд, 218-варақ, Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 1438-йиғмажилд, 6–11-варақлар.

³⁸ ЎзР МДА, Р-29-жамғармаси, 1-рўйхат кириш қисмидаги маълумотлар.

йиғмажилдлари, “Туркестанская экономическая жизнь” даврий газетаси материаллари алоҳида ўрин тутди.

Ўлкадаги ўрмончилик ва чорвачилик, йилқичилик ҳақидаги маълумотлар архивнинг Дехқончилик комиссарлиги қошидаги 182-жамғармасида, Ўрмончилик бошқармаси ва йилқичилик бош бошқармасида (№184) йиғилган бўлиб, уларнинг таркибида ўрмон хўжаликларининг иш режалари, ҳисоботлари, янги ўрмончилик хўжаликларни ташкил этиш, ўтин ғамлаш ҳақидаги ҳужжатлар, йилқичилик отхоналари, чорва молларининг сони тўғрисидаги статистик маълумотлар сақланмоқда. Архивнинг Р-17-жамғармасидаги 109-, 346-йиғмажилдларида, ТИК Р-18-жамғармаси, Р-29-жамғарманинг 23-, 55-йиғмажилдларида ҳам соҳалар ҳақида қимматли маълумот берувчи ҳисобот ва статистик ҳужжатлар жамланган.

Ҳисобот ҳужжатларида маълумот берилишича, 1918 йил 26 мартда Туркистон ХКС буйруғига кўра, 4 десятинадан ошган узумзор ва 8 десятинадан ошган боғлар мусодара этилган³⁹. 1918 йилги Дехқончилик комиссарининг маърузасида маълумот берилишича, Тошкент уездидаги жами 2274 десятина бўлган 33 та шахсий боғ ва узумзорлар мусодара қилиниб, совет ҳокимияти мусодара этилган 1850 десятина боғлардан совет ҳокимияти 9 млн. рубль соф даромад олишни кўзлаган⁴⁰. Бошқа манбаларда эса, 1919 йил апрель ойида республика бўйича 26 000 десятина боғ мусодара қилинганлиги қайд этилган. Ҳужжатлар таҳлиliga кўра, 1922 йилда боғларнинг коллектив бошқарув тизимига ўтказилиши оқибатида боғ эгаларида совет ҳокимияти сиёсатига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлган. Натижада, боғлар майдони 45 720 десятинадан (1917) 38 400 (1923) десятинага тушиб кетганлиги ҳақида хулосалар берилган⁴¹.

Ушбу манбаларда қайд этилишича, республика умумий майдони тахминан 150 000 000 десятина (163 710 000 гектар)ни ташкил этиб⁴², шундан жами экин майдонининг 2/3 қисми суғориладиган ерлар, 1/3 қисми лалми ерларни ташкил этган. Жами экин майдонининг, 1915 йилга нисбатан олинганда 1918 йил 40%, 1920 йил 61% гуруч экинини ташкил этган бўлса, пахта майдони 1918 йилда 15%, 1920 йилда 21% ни ташкил этган⁴³. Расмий ҳужжатларда 1922 йилда пахта майдони 56 391 гектар, 1923 йилда 199 271 гектарга кўпайгани ҳақида маълумот берилган⁴⁴. Туркистонда қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари оғир аҳволга тушиб қолган бўлиб, экин майдонлари 1920 йилда 1916 йилга нисбатан 5,9 баравар қисқаришининг сабаблари очиб берилган маълумотлар жамланган⁴⁵.

Ҳужжатлар таҳлиliga кўра, Туркистонда жами ўрмон хўжалиги майдони 29 млн. десятина (31 650 600 гектар)ни⁴⁶, умумий ёғоч захираси 17 320 000 м² ни ташкил этган⁴⁷. Дехқончилик комиссарлиги ҳисобот ҳужжатларида қайд

³⁹ Ўша ерда, 1066-йиғмажилд, 56-варақ.

⁴⁰ ЎзР МДА, Р-29-жамғарма, 3-рўйхат, 1168-йиғмажилд, 14–16-варақлар.

⁴¹ Ўша ерда, 115-варақ.

⁴² ЎзР МДА, Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 541-йиғмажилд, 8-варақ.

⁴³ Ўша ерда, 1280-йиғмажилд, 38-варақ; Яна қаранг: Туркестанская экономическая жизнь. 1921 г. 17 января, №3. – С. 4.

⁴⁴ ЎзР МДА, Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 109-йиғмажилд, 58-варақ.

⁴⁵ Ўша ерда, 109-йиғмажилд, 58-варақ.

⁴⁶ ЎзР МДА, Р-29-жамғарма, 3-рўйхат, 2355-йиғмажилд, 12-варақ.

⁴⁷ ЎзР МДА, Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 109-йиғмажилд, 60-варақ.

этилишича, отлар асосан кавалерия (отлиқ аскарлар) отрядларига, ҳарбий идоралар биноларини таъмирлаш ишларига жалб қилинган⁴⁸. 1917 йилда Туркистон АССРда 1 624 143 бош от бўлган бўлса, Октябрь тўнтариши ва ҳарбий ҳаракатлар сабабли 1920 йилга келиб 586 461 бош от қолган, яъни 1 087 681 тага (64% га) кескин камайган⁴⁹.

Марказий Ижро кўмитаси архив жамғармасида сақланган ҳисобот ҳужжатларида 1920 йилда республиканинг асосий чорвачилик ҳудуди Еттисувда 1917 йилдагига нисбатан моллар сони 60%, Самарқандда 57% га камайган⁵⁰. 1922 йилда 1920 йилдагига нисбатан чорва моллари 3% га, 1923 йилда эса 16% га ортганлиги ҳақида статистик маълумотлар берилган⁵¹.

Ҳужжатларнинг манбавий таҳлиliga кўра, 1918–1920 йилларда Озиқ-овқат халқ комиссарлигининг меваларга нисбатан паст нарх-навони белгилаши, ҳукуматнинг боғларни бу соҳага ихтисослашмаган ташкилотлар тасарруфига ўтказиши оқибатида боғдорчилик соҳасида катта йўқотишларга олиб келган. Туркистон пахтаси жаҳон бозоридаги нархдан 2,5 баравар пасайиши, буғдой нархининг уч ярим баробарга ошиши натижасида пахтачиликка деҳқонларда қизиқиш йўқолган. Туркистонда 1920 йилга келиб 1917 йилга нисбатан отлар кескин камайиб кетган. Иссиқкўлда, Тошкентда йирик йилқичилик хўжаликлари ташкил этилиб, Ахалтекин, Қорабайир, Туркман от наслари етиштирилганлиги ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Архив манбаларида савдо, саноат ва молия масалалари”** деб номланиб, унда Туркистон АССРда олиб борилган ташқи савдо алоқалари, саноат корхоналари фаолиятига ва молия-солиқ масалалари ислоҳотларига оид архив маълумотлар тарихий ва манбавий жиҳатдан таҳлил этилган. Мазкур бобнинг *“Туркистонда ички ва ташқи савдо муносабатлари масалаларини ёритувчи расмий ҳисоботлар таҳлили”* деб номланган параграфида расмий идора вакиллариининг ҳисобот ҳужжатлари асосида ўлкадаги ташқи ва ички савдо масаласига оид жараёнлар таҳлил этилган. Туркистонда савдо масалалари билан асосан марказий органлар ва 1922 йилда ташкил этилган ТАССР ХХМК қошидаги савдо ва саноат корхоналари бошқармаси, Ташқи савдо бошқармалари шуғулланган. Туркистонда савдо масалаларини ёритишда ЎзР МДАнинг ТИК Р-18 жамғармасининг 12-, 192-, 193-йиғмажилдларида, СССР Ташқи савдо алоқалари Халқ комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги ваколатли бошқармаси Р-8-жамғармаси 4-йиғмажилди, ХХМКнинг давлат савдо ва саноат корхоналари бошқармаси 43-жамғарманинг 16-йиғмажилди, Туркистон ХКС жамғармасининг 867-, 878-, 887-, 1305-, 1310-, 1713-йиғмажилдларида сақланган Туркистон савдо бўлими, Туркистон савдо вакили Б.В.Лавровнинг маъруза, ҳисобот, савдо айланмаси ҳақидаги статистик жадвал ҳужжатлари муҳим ўрин тутди.

ЎзР МДА Р-8-жамғармаси таркибида 15 та рўйхат бўлиб, 1-рўйхатнинг жами 534 та йиғмажилди 1917–1924 йилга тегишлидир. Бундан ташқари жамғарманинг 10-, 11-, 15-йиғмажилдлари рўйхатларида 1920–1922-йилларга

⁴⁸ ЎзР МДА. Р-29-жамғарма, 3-рўйхат, 2355-йиғмажилд, 42-варак.

⁴⁹ Ўша ерда.

⁵⁰ ЎзР МДА, Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 346-йиғмажилд, 32-варак.

⁵¹ Абдуллаев Ш. Ўзбекистон халқларининг ўтмишдаги мавжуд тенгсизлигини тугатиш тарихидан. – Тошкент: Ўздавнашр. 1959. – Б. 109.

оид йиғмажилдлар сақланган. Уларда ҳуқуқий битимлар, кўшни давлатлар билан савдо алоқалари, маҳсулот алмашинув, божхона хизматлари, ноқонуний ташқи савдо фаолиятларига оид маълумотлар жамланган.

Ҳисобот ҳужжатларида қайд этилишича, Туркистон ўлкаси Бухоро, Хива, Эрон, Афғонистон ва Хитой билан ташқи савдо алоқаларини олиб боришда ҳар томонлама қулай бўлган савдо маркази ҳисобланган⁵². Архивнинг Р-8-жамғармаси ҳужжатларига кўра, 1919 йил РСФСР ХКС томонидан “Ташқи савдо алоқалари монополиясини ўрнатиш” ҳақидаги қарорига кўра, хорижий давлатлар билан савдо алоқаларини Россия ҳукумати номидан унинг ваколатли органлари иштирокисиз савдо операцияларини олиб бориш қатъиян тақиқланиб⁵³, савдогарларнинг ташқи савдодаги фаолиятига чек қўйилган.

